

**Х.Я. Саатова, и.ф.н., катта илмий ходим,
Д.М. Курбанова, катта илмий ходим-изланувчи,
ПМТИ**

ЧОРАК АСР МОБАЙНИДА ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР

Ушбу мақолада мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб бугунги кунга қадар қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожланишининг ретроспектив таҳлили амалга оширилган. Республикада амалга оширилаётган аграр ислоҳотлар ушбу даврда қишлоқ хўжалиги соҳасини изчил босқичма-босқич ислоҳ этишига эришиш хусусиятлари ва масалалари кўриб чиқилган.

Калитли сўзлар: қишлоқ хўжалиги, аграр сиёсати, ислоҳот босқичлари, деҳқон хўжалиги, фермер хўжалиги, озиқ-овқат хавфсизлиги

Бундан чорак аср аввал бутун жаҳон тарихини ўзгартириб юборган оламшумул воқеа юз берди. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг қиёфаси XX аср 80-йилларининг охиридагидан тубдан фарқ қилади. Ўша вақтда олиб борилган пахта хомашёси етиштириш ҳажмини ошириш учун суғориладиган деҳқончилик зонасини кенг қўламли кенгайтириш сиёсати жаҳондаги энг йирик экологик муаммо - Орол муаммосининг асосий сабабларидан бири бўлди.

Бундай сиёсат оқибатида 1990-йилларнинг бошига келиб Ўзбекистонда сув тақчиллиги ва ерларнинг инқирозга юз тутиши муаммоси пайдо бўлди, бутун Орол бўйининг экологик ҳолати кескинлашди. Бу ҳол Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини сақлаб қолиш ва ривожлантириш масалаларини ҳал этиш юзасидан тезкор чора кўришни тақозо этарди.

Иқтисодиётнинг бир тарафлама хомашёга йўналтирилганлиги, пахта етиштиришнинг тўлиқ монополияси республикаимиз учун собиқ СССРдан қолган аянчли мерос бўлиб, бу нафақат иқтисодиётга, балки экологияга ва Ўзбекистон аҳолисининг асосий генофондига ҳам ҳалокатли таъсир кўрсатди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, республикаимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг аниқ стратегияси ишлаб чиқилди. Ушбу стратегиянинг асосида тармокни диверсификация қилиш, пахта монокультурасига йўналтирилишдан воз кечиш, озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини-ўзи таъминлаш, биринчи галда, ғалла мустақиллигига ва умуман озиқ-овқат мустақиллигига эришиш ётарди.

Умуман олганда, чорак аср мобайнида республикаимиз қишлоқ хўжалиги тармоғи сифат жиҳатдан жиддий ўзгаришларга дуч келди. Колхоз ва совхозлар тугатилиб, уларнинг негизда ширкатлар, агрофирмалар, фермер ва деҳқон хўжаликлари ташкил этилди. Чорвачилик фермалари, боғдорчилик ва узумчиликнинг хусусийлаштирилиши ва давлат тасарруфидан чиқарилиши, маҳсулотларига давлат буюртмасининг бекор қилиниши ҳисобидан уларнинг ривожланиши ва сонининг кескин ошиши юз берди.

Маъмурий режали-таксимлаш тизимидан бозор муносабатларига ўтиш қишлоқ хўжалигидаги ислохотларнинг бош омили бўлди. Қишлоқ хўжалиги ерлари янгидан ташкил этилган хусусий фермер хўжаликларига узок муддатли ижара асосида берилди. Фермер хўжаликларига барча зарур хизмат турларини кўрсатувчи ишончли бозор инфратузилмаси барпо этилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон аграр сиёсатининг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат бўлди: қишлоқда мулкдорлар синфини ташкил этган ҳолда ерни узок муддатли ижарага бериш, бозор муносабатларини такомиллаштириш, қишлоқ товар ишлаб чиқарувчиларига хизматлар кўрсатувчи инфратузилма объектларининг фаолиятини ривожлантириш, ер-сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, юқори сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда илғор технологияларни қўллаш.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидаги таркибий ва институционал ўзгаришлар бир неча йўналишлар бўйича амалга оширилди.

Биринчиси – аграр секторни ислоҳ қилиш, шу жумладан ер ислоҳоти. Колхоз ва совхозларни фермер хўжаликлари этиб қайта ташкил қилиш, қишлоқ хўжалиги билан кооперация асосида ишловчи корхоналарни хусусийлаштириш. Қишлоқда кўп укладли иқтисодиётни ташкил этиш. Ерга бўлган мулк ҳукуқи масалаларини ҳал этиш.

Иккинчиси – маҳсулотларни сотиб олиш ва сотиш, ишлаб чиқариш улгуржи ва чакана савдоси тизимини давлат тасарруфидан чиқариш. Янги сотиш тармоқлари, шу жумладан улгуржи бозорлар, биржалар, ярмаркалар ривожланди.

Учинчиси – аграр секторни давлат томонидан тартибга солиш тизимини ўзгартириш: ташкилий тузилмаларни қайта қуриш ва АСМни бошқариш усуллариини ўзгартириш. Техника ва асбоб-ускуналарни етказиб бериш учун лизинг муносабатлари шакллана бошлади, қишлоқ хўжалиги фаолиятини ихтиёрий суғурта қилиш ривожланди.

Тўртинчиси – талаб ва таклифни ҳисобга олган ҳолда бозор инфратузилмаси ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантириш. Ислоҳ қилишнинг мазкур йўналиши қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг коммунал хўжалиги ва ижтимоий инфратузилма объектларини сақлаб туриш функцияларидан халос этилиши билан боғлиқ.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб Ўзбекистонда республикаимизнинг ўзига хос хусусиятлари ва шароитларини халқимизнинг, менталитети, анъаналари, урф-одатлари ва турмуш тарзини, шунингдек ўтмишдаги иқтисодиётни бир томонлама ривожлантиришнинг оғир оқибатини ҳар томонлама ҳисобга олишга асосланган ўзига хос аграр сиёсат ишлаб чиқилди.

Ўзбекистонда мамлакатимизнинг мавжуд ишлаб чиқариш салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиб, амалга оширилаётган **давлат аграр сиёсати қуйидаги вазифаларни ўз олдига қўйди:**

1) пахта хомашёси етиштиришни мамлакатимизнинг йиллик экспорт ва валюта балансини барқарорлаштириш учун зарур бўлган ҳажмда сақлаб қолиш;

2) мамлакатимизнинг иқтисодий суверенитетини таъминлаш учун ғалла мустақиллигига эришиш;

3) саноатни ҳамда ижтимоий инфратузилма ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш учун қишлоқ хўжалигида шаклланган даромаднинг бир қисмини бошқа тармоқларга қайта тақсимлаш;

4) қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш ва фаровонлигини ошириш.

Ер ислохотининг амалга оширилиши натижасида қишлоқда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун асос солинди. Буларнинг барчаси хусусий секторда ишлаб чиқаришнинг тез ўсишига ва қишлоқ оилалари реал даромадларининг ошишига хизмат қилди.

Тарихий изчилликда қишлоқ хўжалигини ислох қилишнинг қуйидаги босқичларини ажратиш мумкин:

Биринчи босқич (1991-1995 йй.) – қишлоқ хўжалигининг барқарорлигини таъминлаш ва режали-маъмурий иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш асосларини яратиш масалаларининг ҳал этилиши билан боғлиқ. Бу ерда шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш, қишлоқ аҳолисига ва шаҳарга яқин жойлашган ҳудудлар аҳолисига хусусий ер участкаларини ажратиш асосий йўналиш этиб белгиланди.

Ушбу тарихий даврда “Дехқон (фермер) хўжалиги тўғрисида”ги қонун қабул қилиниб, бу билан Ўзбекистонда амалда фермерлик ҳаракати бошланди. 1993 йилдаёқ 7,6 мингта ана шундай хўжалик тузилиб, улар ихтиёрида 70 минг гектардан ортиқ ер бор эди. Фермерлар аста-секин асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига айлантирилди.

Иккинчи босқичда (1996-2003 йй.) – озиқ-овқат муаммосини тубдан ҳал этиш, қишлоқ хўжалиги хомашёсини чуқурроқ қайта ишлаш ва қишлоқда ихчам кичик корхоналарни ташкил этиш, қишлоқнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини ошириш муҳим аҳамият касб этди.

Озиқ-овқат мустақиллигига эришиш ғалла етиштириш ҳажмини ошириш йўли билан таъминланди. Бунда зонавий ихтисослашув шароитларига мувофиқ экин майдонлари таркибининг мақбуллаштирилиши юз берди. Базавий тармоқлар жумласига пахта билан бир қаторда ғаллачилик, картошкачилик, полизчилик, мева-сабзавотчилик ва узумчилик киритилди.

Натижада Ўзбекистон нафақат озиқ-овқат маҳсулотларининг энг муҳим турларини ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланишини таъминлади, балки республикамизнинг озиқ-овқат ва ғалла, маргарин маҳсулотлари, озиқ-овқат спирти ва товарларнинг бошқа муҳим турларини импорт қилишга боғлиқлигига барҳам берди.

Маҳаллий озуқа етиштириш базаси сезиларли даражада мустаҳкамланди, бу гўшт ва сут маҳсулотлари етиштириш ҳажмини дастлаб барқарорлаштириш, кейинчалик эса ошириш имконини берди.

Ушбу даврда тегишли қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Булар Ер кодекси, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги), тўғрисидаги фермер хўжалиги тўғрисидаги, деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонунлар ва ҳ.к.

Ер муносабатларидаги янги принциплар жорий этилди. Ширкат хўжаликларида ер оилавий пудратчиларга танлов асосида 3 ва ундан кўп йилга,

боғлар ва узумзорлар 10 ва ундан кўп йилга берила бошланди. Ерни фермер хўжаликларига 50 йилгача ва деҳқон хўжаликларига умрбод фойдаланиш учун бериш тизими асосланди.

1998 йилда республикамизда фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга янги туртки берган “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги янги қонун қабул қилинди. 1998 - 2001 йиллар мобайнида ташкил этилган фермер хўжаликларининг сони 23,0 мингтадан 55,4 мингтагача ёки 2,4 марта ошди, хўжаликнинг ўртача ўлчами 19 гектарни ташкил қилди, уларда банд бўлган ишловчилар сони эса ўртача 7 нафаргача етказилди.

Фермер хўжаликларини шакллантириш ва уларнинг салоҳиятидан самарали фойдаланиш – бу мамлакатимиз иқтисодиёти ва қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш истиқболidir.

Чорвачилик фермаларини хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш, боғ ва узумзорларни хусусий сектор ихтиёрига бериш, уларнинг маҳсулотларига давлат буюртмасини бекор қилиш амалга оширилди, бу қишлоқда тадбиркорликнинг ривожланишига ва майда товар ишлаб чиқарувчилар сонининг ошишига олиб келди.

Учинчи босқичнинг (2004-2007 йй.) – асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат бўлди: қишлоқ хўжалиги маҳсулот ишлаб чиқарувчиларининг ҳуқуқларини муҳофаза қилишни кучайтириш; маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий ҳуқуқлари ва эркинликларини кенгайтириш ва давлат буюртмаси нархини шакллантириш тизимини такомиллаштириш; паст рентабелли ва зарар кўриб ишловчи йирик қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий ўзгартириш ва уларнинг негизида фермер хўжаликларини ташкил этиш; замонавий сервис инфратузилмасини барпо этиш. Шунингдек, ҳукуматнинг махсус қарорига мувофиқ боғ ва узумзорларнинг хусусийлаштирилиши натижасида фермер хўжаликларининг ташкил этилиши ҳам юз берди.

Қишлоқда мулк шакллариининг ўзгариши қонунчилик нуқтаи назаридан тубдан ҳал этилган асосий масала бўлди. Қишлоқ хўжалигида ижара мулкчилиги муносабатларини жорий этиш бошланди. Агар 1991 йилда республикамизда 1,3 мингта жамоа хўжалиги, 1,0 мингта давлат хўжалиги, 1,9 мингта фермер хўжалиги ва 2,1 млн.та хусусий томорқа участкаларининг эгаси мавжуд бўлган бўлса, 2007 йилга келиб мамлакатимизда 217,1 нафар фермер ва 4,5 млн.та деҳқон хўжалиги рўйхатга олинди.

Фермерга зарур ишлаб чиқариш, банк, суғурта, консалтинг, савдо, зооветеринария хизматларининг кенг доирасини кўрсатувчи бозор қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси яратилди. Ҳукумат ислохотларнинг дастлабки йилларида бозор инфратузилмаси объектларининг яхши мувофиқлаштирилган кенг тармоғини ташкил этиш йўли билан фермерларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Натижада республикамизда 2002 - 2010 йиллар мобайнида 1,32 мингта мини-банк, 1,6 мингта машина-трактор парки, 1,3 мингдан ортиқ сувдан фойдаланувчилар уюшмаси, 1,0 мингта ёқилғи-мойлаш материалларини сотиш пункти, 905 та минерал ўғитлар сотиш пункти, 489 та қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш пункти, 102 та транспорт хизмати кўрсатиш корхонаси,

85 та тара билан таъминлаш пункти, 263 та консалтинг ва маркетинг фирмаси, 208 та агрофирма ташкил этилди.

Тўртинчи босқич (2008 йилдан бошлаб ҳозиргача) – чекланган ер-сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлаш, қишлоқ хўжалиги экинларга ишлов беришнинг янги илғор агротехнологияларини жорий этиш ҳамда фермер хўжаликларининг самарадорлигини ва молиявий барқарорлигини ошириш, тармоқнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш учун қишлоқ хўжалигида ислохотларнинг янада чуқурлашуви билан тавсифланади.

2020 йилгача бўлган даврга мўлжалланган қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 23 декабрдаги “2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида баён этилган бўлиб, унда 2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш комплекс дастури тақдим этилган [1]. Мазкур дастур қишлоқ хўжалиги ерларининг самарадорлигини ошириш ва улардан оқилона фойдаланиш учун экин майдонларининг таркибини тубдан ўзгартиришга, хусусан, кам унумли ва паст ҳосил берадиган ерлар ҳисобидан суғориладиган ерларда пахта ва бошоқли ғалла экинлари экиладиган экин майдонларини бўшатиш ва уларга картошка, сабзавот, озуқа ва мойли экинлар ва бошқа экинларни экиш, янги интенсив боғлар ташкил этиш; бўшатишган майдонларга қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш; деҳқончиликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчиликни янада яхшилаш ҳамда чорвачиликни янада ривожлантириш ва наслчилик ишини такомиллаштириш, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, наслдор чорвачилик хўжаликлари ташкил этишга йўналтирилган.

Экин майдонларининг таркибини мақбуллаштиришдан кўзланган мақсад, биринчи ғалда, ердан оқилона фойдаланиш ҳамда турли экинлар экиладиган қишлоқ хўжалиги ерларидан тўғри ва илмий асосланган тарзда фойдаланиш ҳисобидан ҳосилдорликни оширишдан иборат.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини давлат томонидан босқичма-босқич ва аниқ мақсадли қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари ўз натижаларини берди. Ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш 1991-2015 йиллар мобайнида 2,57 марта, ялпи ғалла ўрими-йиғими 4,3 марта, мевалар етиштириш 5,3 марта, сабзавотлар етиштириш 3,0 марта ошди [2]. Аграр секторда амалга оширилган ислохотлар ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажмининг барқарор ўсиши туфайли республикаимиз МДҲда қишлоқ хўжалиги юқори суръатлар билан ривожланаётган мамлакатлар гуруҳидан жой олди.

Юртимизда 1992-2015 йиллар мобайнида ғалла етиштириш ҳосилдорлигининг 4,1 марта, шу жумладан буғдой етиштириш ҳосилдорлигининг 7,1 марта ошиши ҳисобидан мамлакатимизнинг озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланди [3]. 1995 йилдан бошлаб Ўзбекистон ғалла мустақиллигига эришиб, ғаллани импорт қилувчи мамлакатдан уни экспорт қилувчи мамлакатга айланди (илгари ҳар йили 2 млн. тоннадан ортиқ ғалла импорт қилинар эди).

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ҳар йили 3,5 млн. тоннага яқин пахта хомашёси ва 1-1,2 млн. тонна пахта толаси етиштирилмоқда. 1991 йилда пахта толасини

махаллий қайта ишлаш ҳажми 7 фоиздан ошмас эди, 2014 йилда ушбу кўрсаткич 45 фоизни ташкил қилди, 2015 йилда эса мазкур кўрсаткич қарийиб 50 фоизга етказилди [4].

Ердан ижара асосида фойдаланишнинг янги модели яратилди. Ерга бўлган давлат мулкчилиги сақланиб қолгани ҳолда хўжалик юритиш ва қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишнинг хусусий шакллари пайдо бўлди. Бугунги кунда фермер ва деҳқон хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда етакчи ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари фаолиятининг қонунчилик ва норматив базаси доимий равишда такомиллаштирилмоқда, кўп соҳага ихтисослашган фермер хўжаликларини ривожлантириш рағбатлантирилмоқда, паст рентабелли ерларда пахта етиштирувчи хўжаликларга молиявий ёрдам кўрсатиш тизими яратилган, қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда.

Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш вазифаларининг бажарилиши республикамиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжлари барқарор таъминланишига, ички бозорнинг озиқ-овқат товарлари билан тўлиб-тошишига, замонавий техника ва технология билан жиҳозланган ихчам қайта ишловчи корхоналарнинг ташкил этилишига ва шу асосда янги иш ўринларининг шакллантирилишига олиб келди.

Озиқ-овқат экинлари етиштиришнинг эришилган даражаси ички бозор эҳтиёжини тўлиқ таъминлаш ва ташқи бозорга экспортни амалга ошириш имконини берди. Биргина 2015 йил якунларига кўра чет элга 1,3 млрд. АҚШ доллари қийматидаги мева-сабзавот маҳсулотларининг 70 дан ортиқ тури экспорт қилинди. Россия Федерациясига сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми бўйича Ўзбекистон Польша, Хитой, Испания, Аргентина, Марокаш, ЖАР ва Италия каби анъанавий йирик етказиб берувчиларни ишончли тарзда ортда қолдирмоқда.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, аҳолини қулай нархларда сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, маҳсулот ассортиментининг ғоят кенгайтирилишига эришиш ҳамда аҳоли турмушининг сифатини оширишга ва иқтисодиётнинг аграр секторини янада ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар яқин истиқболда ҳам қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори 23 декабрь 2015 й. № ПҚ-2460 «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалиги ривожланишини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»//АИТ “NORMA”
2. Ҳисоблар Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида тайёрланган
3. Ҳисоблар “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”/ ЎЗР Давлат статистика қўмитасининг Стат. тўплами - Тошкент, 2000-2015 йй.
4. <https://www.uzdaily.uz/articles-id-24935.htm>